



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 25 » dekabr № 679

Toshkent sh.

### **Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бино ҳамда иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан ёнғин аудитини ўтказишга оид чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахслар мулкининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнғин хавфсизлиги тизими шакллантирилди.

Шу билан бирга, ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назорат етарли даражада таъминланмаётганлиги сабабли аҳолининг маиший ҳаётида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ёнғинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг муқобил усулларини республикада жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 августдаги 332-сон қарорига мувофиқ:

**ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат назоратининг асосий йўналишлари белгиланганлиги;**

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг **2024 йил 1 январдан бошлаб** ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартиби (ёнғин аудити) жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш (ёнғин аудити) тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага**, Ёнғин аудиторлик ташкилотининг мутахассисларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин:

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳоловчи ёнғин аудиторлик ташкилоти ва унинг таркибидаги ёнғин аудиторларига нисбатан талаблар;

ёнғин аудиторлик ташкилоти ҳамда ҳимояланадиган объект мулкдорининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигига мувофиқлигини баҳолаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш тартиби;

ёнғин аудиторлик ташкилотининг мутахассисларини ўқитиш, тест синовидан ўтказиш, сертификат берилган мутахассислар реестрини юритиш ҳамда сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби.

3. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда:**

“Ёнғин аудити” миллий ахборот тизимида автоматик тарзда сертификатланган мутахассислар реестри шакллантирилишини назарда тутувчи идоралараро маълумотлар базаларининг ўзаро интеграция қилинишини таъминловчи дастурий таъминот ишлаб чиқирилишини ҳамда жорий этилишини;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “Ёнғин аудити” миллий ахборот тизимида таълим муассасасида ўқиб, тест синовларидан ўтган мутахассисларнинг QR-код қўйиладиган электрон шаклда сертификат олиш механизми яратилишини таъминласин.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

**2024 йил 1 февралга қадар** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда дастур асосида таълим олган мутахассисларнинг соҳавий билимларини тест синовидан ўтказиб бориш тизимини жорий этсин;

икки ой муддатда ёнғин аудиторлик ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.Кулдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “25” декабрдаги 679-сон қарорига  
1-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва  
иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини  
мустақил баҳолаш (ёнғин аудити) тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ёнғин аудиторлик ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг (кейинги ўринларда – ҳимояланадиган объектлар) ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ёнғин аудиторлик ташкилоти** – ҳимояланадиган объектларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳоловчи, раҳбаридан ташқари ёнғин хавфсизлиги соҳасида амалий иш тажрибасига эга (камида беш йил) бўлган камида икки нафар ёнғин аудитори сертификатига эга бўлган олий маълумотли мутахассислар мавжуд бўлган, Фавқулодда вазиятлар вазирлигида аккредитациядан ўтган юридик шахс;

**ёнғин аудитори** – ёнғин хавфсизлиги соҳасида амалий иш тажрибасига (камида беш йил) ва олий маълумотга эга бўлган ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ўқув дастурини тамомлаган ва белгиланган тартибда тест синовларидан муваффақиятли ўтган ва ёнғин аудитори сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**ёнғин аудитори сертификати** – мутахассиснинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида малакасини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

**хулоса** – ёнғин аудитори томонидан берилган ва объектнинг ёнғин хавфсизлиги даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжат.

3. Ёнғин аудиторлик ташкилоти томонидан ўта муҳим, хавф-хатарлиги IV тоифага кирувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари билан боғлиқ объектларда ёнғин аудиторлик текширувлари ўтказилмайди.

**2-боб. Ёнғин аудиторлик ташкилоти**

4. Ёнғин аудиторлик ташкилотига қуйидаги талаб ва шартлар қўлланилади:

ҳимояланадиган объектнинг мулкдори ва ёнғин аудиторлик ташкилоти ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида ёнғин аудиторлик ташкилоти ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматларни

амалга оширишда фақатгина ҳимояланадиган объектнинг мувофиқлигини баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш;

мулкӣ ҳуқуқ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида ёнғин аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бинолар ва иншоотлар, техник-технологик ва аппарат-дастурий воситаларига эга бўлиш;

ёнғин аудитори фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши;

ёнғин аудиторлик ташкилотининг ёнғин аудитори томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ёнғин аудитори сертификатини олмасдан туриб ёки ҳар уч йилда малакасини оширмасдан ёнғин аудитини ўтказишига йўл қўймаслик;

ёнғин аудиторлик ташкилоти белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ва Ғавқулодда вазиятлар вазирлигида аккредитациядан ўтиши.

5. Ёнғин аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилдир.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ёнғин аудиторлик ташкилотининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

### **3-боб. Ёнғин аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги**

6. Ёнғин аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳимояланадиган объектнинг мувофиқлигини баҳолашга нисбатан ёнғин аудитини ўтказиш учун унинг кадастр ва таъсис ҳужжатлари, объектда ишлайдиган қурилма ва жиҳозлар ҳамда унда мавжуд бўлган моддий-товар бойликлар ҳақидаги ҳужжатлар билан олдиндан танишиш;

зарур ўлчовлар ўтказиш, намуналар олиш ва тадқиқот ўтказиш мақсадида аккредитацияланган лабораторияларда синовларни ўтказиш;

ёнғин аудитини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича ҳимояланадиган объектнинг ёнғин хавфсизлиги учун масъул бўлган шахслардан тушунтиришлар ва ёнғин аудити ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олиш;

ёнғин аудити билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш.

7. Ёнғин аудиторлик ташкилоти:

ёнғин аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низом талабларига риоя этиши;

ёнғин аудити хулосасида норматив-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатини бартараф этиш бўйича тавсияларни акс эттириши;

ёнғин аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир тегишли ҳужжатларни ҳимояланадиган объект мулкдори талабига кўра тақдим этиши;

ёнғин аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

8. Ёнғин аудиторлик ташкилоти била туриб сохта тузилган ёнғин аудити хулосасини тузиши оқибатида етказилган зарар учун ҳимояланадиган объект мулкдори олдида жавобгар ҳисобланади.

Ёнғин аудиторлик ташкилотининг ёнғин аудитини ўтказмасдан туриб тузилган хулосаси ёки ёнғин аудити натижалари бўйича белгиланган тартибда сохта деб ҳисобланганда ёнғин аудиторлик ташкилоти жавобгар бўлади.

#### **4-боб. Ҳимояланадиган объект мулкдорининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

9. Ҳимояланадиган объект мулкдори куйидаги ҳуқуқларга эга:

ёнғин аудитини ўтказиш учун ёнғин аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлаш;

ихтиёрий ёнғин аудитини ўтказиш вақтида ёнғин аудитининг йўналиши ва иш ҳажмини белгилаш;

ёнғин аудиторлик ташкилотидан ёнғин аудити хулосаси қайси қонунчилик ҳужжатлари нормаларига асосланганлиги тўғрисидаги зарур ахборотни олиш;

ёнғин аудити хулосасини олиш.

10. Ҳимояланадиган объект мулкдори:

ёнғин аудиторларига ёнғин аудитини ўтказиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиши;

ёнғин аудитини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни тақдим этиши;

ёнғин аудити режасини тасдиқлаши;

ёнғин аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ёнғин аудитини ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаши шарт.

11. Ҳимояланадиган объект мулкдори ёнғин аудиторлик ташкилотига берган ҳар қандай нотўғри маълумоти туфайли етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланади.

### **5-боб. Ҳимояланадиган объектнинг мувофиқлигини баҳолаш ишларини амалга ошириш**

12. Мувофиқликни баҳолаш ишлари ёнгин аудиторлик ташкилоти ва ҳимояланадиган объект мулкдори ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

13. Мувофиқликни баҳолаш учун тўлов миқдори ёнгин аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил белгиланади.

14. Мувофиқликни баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳимояланадиган объектнинг ёнгин хавфини тавсифловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш;

б) ҳимояланадиган объектнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолати, эвакуация чиқиш йўллари, ишчи-хизматчиларнинг билими, ёнгиннинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишини, инсонларга ва моддий бойликларга хавfli таъсири тўғрисидаги объектив маълумотлар олишни, шунингдек, ёнгин хавфсизлигига риоя қилиш учун шарт-шароитлар мавжудлигини, шу жумладан, объектда мавжуд бўлган ёнгиндан ҳимоя қилиш тизимларининг яроқлилиги ва ишчи ҳолатини аниқлаш;

в) ёнгин хавфсизлиги бўйича норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда зарур тадқиқотлар, синовлар, ҳисоб-китоблар ва экспертизаларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

г) ҳимояланадиган объектда ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича хулоса тайёрлаш;

д) ёнгин хавфсизлиги талабларини бажариш ва ёнгинга қарши режимга риоя қилиш ишлари бажарилмаган тақдирда, ҳимояланадиган объектга ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бериш учун чора-тадбирлар (талаблар рўйхатини) ишлаб чиқиш ва бажариш муддатларини белгилаш;

е) ҳимояланадиган объект томонидан мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилганда якуний хулоса тайёрлаш.

### **6-боб. Мувофиқликни баҳолаш ҳужжатларини расмийлаштириш ва юбориш**

15. Мувофиқликни баҳолаш натижалари хулоса (кейинги ўринларда – хулоса) шаклида расмийлаштирилади ва мулкдорга қоғоз ёки электрон шаклда юборилади (тақдим этилади).

16. Мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича расмийлаштирилган хулосанинг амал қилиш муддати бир йилни ташкил этади.

Хулоса ёнгин аудиторлик ташкилотида 3 йил сақланади.

17. Хулосада қуйидагилар қайд этилади:

а) ёнғин аудиторлик ташкилотининг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили);

б) мувофиқликни баҳолаш бўйича тузилган шартноманинг санаси ва рақами;

в) мувофиқлигини баҳолаш ўтказилган объектининг тавсифи (ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича барча тафсилотлари);

г) мувофиқликни баҳолаш ишларини ўтказган ёнғин аудитори (ёнғин аудиторларни) фамилияси, исми ва отасининг исми, ёнғин аудитори сертификати маълумотлари;

д) ўтказилган мувофиқликни баҳолашнинг натижалари, шу жумладан, ушбу Низомнинг 14-банди “а” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган ишлар бўйича натижалар;

е) ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилиши ва ёнғин хавфсизлиги режимига риоя этилиши тўғрисида хулоса, улар бажарилмаган ва (ёки) риоя этилмаган тақдирда, ушбу Низомнинг 14-банди “д” кичик бандида назарда тутилган чораларни кўриш бўйича тавсиялар.

18. Хулоса мувофиқликни баҳолашни ўтказган ёнғин аудитори томонидан имзоланади ва раҳбар томонидан ёнғин аудиторлик ташкилоти муҳри қўйилиб тасдиқланади.

Электрон хужжат шаклида тузилган хулоса QR-код қўйилган ёнғин аудитори ва ташкилот раҳбарининг электрон имзолари билан тасдиқланади.

19. Хулоса тасдиқланганидан кейин ёнғин аудиторлик ташкилоти кузатув хати билан 3 иш куни мобайнида хулосанинг нусхасини объект худудий жиҳатдан бириктирилган давлат ёнғин назорати органига юборади.

20. Ҳимояланадиган объект мулкдори ёнғин аудиторлик ташкилотининг хулосасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда судга шикоят қилишга ҳақли.

21. Ҳимояланадиган объектга нисбатан мувофиқликни баҳолаш натижалари бўйича ижобий хулоса қилинган тақдирда, ушбу объектда бир йил давомида давлат ёнғин назорати органлари томонидан текширувлар ўтказилмайди.

22. Ёнғин аудиторлик ташкилоти томонидан ҳимояланадиган объектга нисбатан ижобий хулоса қилинмаган тақдирда, давлат ёнғин назорати органлари ушбу объектни белгиланган тартибда текширувлар режасига киритади.

#### **7-боб. Яқунловчи қоида**

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

## Ёнғин аудиторлик ташкилотининг мутахассисларини сертификатлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ёнғин аудиторлик ташкилотларининг мутахассисларини сертификатлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**сертификат** – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ўқув дастурини тамомлаган ва тест синовини муваффақиятли топширган мутахассисга бериладиган, мувофиқликни баҳолаш соҳасида объектларда ёнғин аудиторлик ишларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат;

**сертификатланган мутахассис** – мувофиқликни баҳолаш соҳаси бўйича зарур билим, кўникма, амалий иш тажрибаси ва олий маълумотга эга бўлган ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ўқув дастурини тамомлаган ва белгиланган тартибдаги тест синовларидан муваффақиятли ўтган жисмоний шахс;

**талабгор** – сертификат олиш учун мурожаат қилувчи, ёнғин хавфсизлиги соҳасида амалий иш тажрибасига эга (камида беш йил) бўлган олий маълумотли жисмоний шахс;

**тест синови** – талабгорнинг сертификат олиш учун қўйилган талабларга мос келишини аниқлашга йўналтирилган, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

**мувофиқликни баҳолаш** – жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолашни (ёнғин аудити) ўтказиш.

3. Сертификатланадиган мутахассислар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган, ёнғин хавфсизлиги соҳаси юқори даражада ривожланган давлатларда қўлланиладиган таълим стандартларига мувофиқ келадиган ўқув дастури (кейинги ўринларда – дастур) асосида ўқитилади.

Дастурда мутахассисларни таҳсил олаётган йўналиши бўйича соҳа идоралари ва корхоналарида амалий машғулотларни ташкил этиш назарда тутилади.

4. Сертификат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида (кейинги ўринларда – Академия) дастурлар бўйича ўқув курсини тугатиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик) белгиланган тартибда



ўтказиладиган тест синовларини муваффақиятли яқунлаган мутахассисларга берилади.

5. Талабгор сертификат талаб этиладиган лавозимга тайинланган санадан бошлаб бир йил муддат давомида дастур асосида ўқиши ва сертификатга эга бўлиши талаб этилади. Агарда, талабгор бир йил муддат давомида белгиланган тартибда тегишли сертификатга эга бўлмаса, у билан меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинади.

6. Сертификат 3 йил муддатга берилади.

## **2-боб. Мутахассисларга сертификат бериш тартиби**

7. Мувофиқликни баҳолаш соҳаси мутахассисларига сертификат ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

8. Талабгор дастурга мувофиқ ўқиш ҳамда сертификатга эга бўлиш учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган сўровномани ахборот тизими орқали Академияга юборади.

Сўровномада талабгор тўғрисидаги маълумотлар тўғри ва тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Сўровнома тегишли маълумотлар билан тўлиқ тўлдирилмаган тақдирда, ахборот тизими қабул қилмайди.

9. Сўровнома ахборот тизими орқали автоматик тарзда Академияга йўналтирилади.

10. Академия бир иш куни мобайнида талабгорнинг сўровномасини кўриб чиқади ва таълим бериш тўғрисидаги маълумот ва таълим учун шартномани ахборот тизими орқали юборади.

Академия талабгорларни белгиланган дастурлар бўйича ўқув курсида малака оширишлари учун тўлов миқдорини мустақил белгилайди.

11. Талабгор уч иш куни мобайнида Академиядан келиб тушган маълумотларни ўрганиб чиқиб, ўқиш учун тўловни ўз ҳисоби ёки ёнгин аудиторлик ташкилоти ҳисобидан амалга оширади.

12. Тест синовидан ўтиш ҳамда сертификат олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

30 фоизи – Агентликнинг ҳисобварағига;

30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига;

40 фоизи – Академиянинг ҳисобварағига ўтказилади.

13. Академия ўқув машғулоти ва дастури яқунланганидан сўнг ўтказиладиган тест синови учун талабгорга тўлов шартномасини юборади.

Талабгор шартномада белгиланган тўловни ўз ҳисобидан ёки аудиторлик ташкилоти ҳисобидан амалга оширади ва тўлов тўғрисидаги хужжатни ахборот тизими орқали Академияга юборади.

14. Академия ўқув машғулоти бошланиши ҳақида талабгорга камида бир ҳафта олдин электрон хабарнома юборади (электрон почта манзили ёки мобил илова орқали).

Талабгорга ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув машғулотларида иштирок этишга (ўқишига) рухсат этилади.

15. Академия дастур асосидаги ўқиш якунланган куннинг ўзида талабгорларнинг ўзлаштирган билимини тест синовидан ўтказиш учун Агентликка сўровнома юборади.

Агентлик сўровнома келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида тест синови ўтказиладиган сана ва жойи ҳақида Академияга хабар беради.

Тест натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига ахборот тизими орқали эълон қилинишини таъминлайди.

16. Тест синовидан муваффақиятли ўтган ҳар бир талабгор мазкур Низомга 3-илоvasида белгиланган шаклга мувофиқ тегишли QR-кодли (матрик штрихли код) сертификатни ахборот тизимидан юклаб олади.

17. Талабгор QR-код (матрик штрихли код) қўйилган сертификат олган кундан бошлаб сертификатда қайд этилган ҳуқуққа эга ҳисобланади.

### **3-боб. Тест синови жараёнини ўтказиш тартиби**

18. Тест саволлари Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Агентлик томонидан белгиланган тартибда махфийлиги таъминланган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда тизимли равишда янгилаб борилади.

Тест саволларини ишлаб чиқишда дастур ҳамда амалдаги ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик хужжатларидан фойдаланилади.

19. Талабгор тест синови ўтказиладиган ҳудуд (бино)га шахсини тасдиқловчи хужжатларининг (биометрик паспорти, хорижга чиқиш паспорти, идентификация ID-картаси, янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси каби хужжатлардан бирини) аслини кўрсатган ҳолда текшириб киритилади.

Тест синовига келмаган ёки кечиккан талабгор навбатдаги тест синовига кириш учун Академияга ариза билан мурожаат қилади, Академия навбатдаги тест топшириш учун талабгорлар рўйхатига киритади ва бу ҳақида почта хизмати орқали хабар юборади.

20. Тест синови белгиланган тартибда:

электрон шаклдаги саволномалардан фойдаланилган ҳолда, Агентлик томонидан тасдиқланган комиссияси аъзолари ва кузатувчилар иштирокида ўтказилади;

шаффолик ва холисликни таъминлаш мақсадида тест жараёни узлуксиз равишда овозли видеоёзувга туширилади.

21. Тест синови ўтказиладиган хонага уяли телефон, шунингдек, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш, бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синовидан четлаштирилади ва тест синовидан ўтмаган деб ҳисобланади. Тест синовидан четлаштирилган талабгорлар бўйича далолатнома тузилади.

Тест синови видеоёзувлари Фавкулудда вазиятлар вазирлигига тақдим этилади ва вазирликда уч йил давомида сақланади.

22. Тест синовидаги саволлар малака ошириш курсида ўтилган мавзуларга мувофиқ бўлиши шарт.

Тест синови 50 та саволдан иборат бўлади.

Талабгорга тест синовини топшириш учун икки соат вақт берилади.

Тест саволларининг 35 тасига тўғри жавоб берган талабгор тест синовидан ўтган ҳисобланади.

23. Тест синовидан ўта олмаган талабгорга бир ой муддатда иккинчи мартаба тест синовини бепул топшириш учун имконият берилади.

Талабгор тест синовидан такрорий тест натижасида ҳам ўта олмаган тақдирда, унга сертификат берилмайди.

Такрорий тест топширганда ҳам тест синовидан ижобий натижа билан ўта олмаган талабгор умумий тартибда Академияда қайта ўқиганидан сўнг тест синовига кириши мумкин.

#### **4-боб. Сертификат берилган мутахассислар реестри ва уни юритиш тартиби**

24. Фавкулудда вазиятлар вазирлиги томонидан мувофиқликни баҳолаш соҳасида сертификатланган мутахассисларнинг электрон реестри юритилади.

Реестрда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

а) сертификатланган мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми, почта манзили, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), телефон рақами;

б) жисмоний шахс учун шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

в) сертификат рақами, берилган санаси ва унинг амал қилиш муддати;

г) сертификатланган мутахассислар:

худудлар (вилоят ва туманлар) кесимида;

соҳа (мувофиқликни баҳолаш);

Реестрга сертификатнинг амал қилиш муддати тугаб, реестрдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритиб борилади.

25. Реестрни юритиш тартиби Фавқулудда вазиятлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **5-боб. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби**

26. Қуйидагилар сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш учун асос ҳисобланади:

мутахассис томонидан сертификатга эга бўлиш учун мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ саволнома маълумотлари қасддан нотўғри тўлдирилганлиги аниқланганда;

сертификат эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори ёхуд озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми қонуний кучга кирганда;

сертификат эгасига нисбатан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноят иши қўзғатилиб, мазкур иш бўйича суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

сертификат эгасининг вафот этганлиги муносабати билан.

27. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади ва сертификатланган мутахассиснинг мувофиқликни баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тўхтатилади.

28. Мутахассис томонидан Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг сертификат амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги буйруғи устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

29. Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ўз ваколатлари ва функциялари доирасида сертификатланган мутахассислар томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, маъмурий регламентлар ва ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назорат қилади ҳамда ахборот тизими орқали мониторинг олиб боради.

30. Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида мутахассислар тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ёнгин аудиторлик ташкилотининг  
мутахассисларини сертификатлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Мувофиқликни баҳолаш соҳаси мутахассисларига сертификат бериш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	“Ёнгин аудити” МАТ орқали мутахассисларни сертификатлаш ўқув дастурига мувофиқ ўқиш ҳамда сертификатга эга бўлиш учун Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясига мурожаатни юборади.	Белгиланган тартибда ўз хоҳишига кўра
2-босқич	“Ёнгин аудити” МАТ оператори	Мурожаатни автоматик тарзда Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясига юборади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси	Мурожаат асосида талабгорга таълим бериш тўғрисидаги маълумот ва таълим учун шартномани “Ёнгин аудити” МАТ орқали юборади.	Бир иш куни мобайнида
4-босқич	Талабгор	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясидан келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, ўқиш учун тўловни ўз ҳисоби ёки ёнгин аудиторлик ташкилоти ҳисобидан амалга оширади.	Уч иш куни мобайнида
5-босқич	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси	Ўқув машғулоти ва дастури яқунлангандан сўнг ўтказиладиган тест синови учун талабгорга тўлов шартномасини юборади.	Бир иш куни мобайнида
6-босқич	Талабгор	Шартномада белгиланган тўловни ўз ҳисобидан ёки аудиторлик ташкилоти ҳисобидан амалга оширади ва тўлов тўғрисидаги ҳужжатни тизим орқали Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясига юборади.	Уч иш куни мобайнида
7-босқич	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси	Ўқув машғулоти бошланиши ҳақида талабгорга электрон хабарнома юборади (электрон почта манзили ёки мобил илова орқали).	Бир ҳафта олдин
8-босқич	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси	Ўқув дастури асосида мутахассисларни ўқитади.	Белгиланган муддатда

9-босқич	Фавкуллда вазиятлар вазирлиги Академияси	Ўқув дастури яқунлангач, мутахассисларнинг ўзлаштирган билимини тест синовидан ўтказиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тест синовини ўтказиш тўғрисида сўров юборади.	Ўқув машғулоти тугаган куннинг ўзида
10-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	1. Тест синови белгиланган тартибда ўтказилишини таъминлайди. 2. Тест синовига келмаган ёки кечikkan мутахассисни навбатдаги тест синовига киритади. Бу ҳақда электрон почта манзили ёки мобил илова орқали талабгорни хабардор қилади.	Уч иш куни мобайнида  Икки иш куни мобайнида
11-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	1. Тест синови натижаларини ўз веб-сайтига жойлаштиради. 2. Бир вақтнинг ўзида “Ёнғин аудити” МАТда QR-кодли (матрик штрихли код) сертификат автоматик тарзда шаклланади.	Тест синови яқунланган куннинг ўзида
12-босқич	Талабгор	1. Тест синовидан муваффақиятли ўтгандан сўнг “Ёнғин аудити” МАТда QR-код (матрик штрихли код) кўйилган тегишли сертификатни юклаб олади. 2. Тест синовидан ўтмаган тақдирда, мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талаблари асосида қайтадан тест синовидан ўтказади.	Белгиланган тартибда
13-босқич	Фавкуллда вазиятлар вазирлиги	“Ёнғин аудити” МАТда сертификатланган мутахассисларнинг соҳа бўйича реестрини шакллантиради.	Белгиланган тартибда

Ёнгин аудиторлик ташкилотининг  
мутахассисларини сертификатлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Талабгор томонидан дастурга мувофиқ ўқиш ҳамда сертификатга  
эга бўлиш учун таълим муассасасига юбориладиган  
СЎРОВНОМА**

\_\_\_\_\_ (сниси)

\_\_\_\_\_ (рақами)

**Талабгор ҳақида маълумот:**

1. Фамилияси	
2. Исми	
3. Отасининг исми	
4. Жинси	
5. Паспорт ( <i>ID карта</i> ) маълумотлари ( <i>серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)</i> )	
6. Мутахассислик йўналиши тури ( <i>мувофиқликни баҳолаш</i> )	
7. Яшаш жойи	
8. Телефон рақами	
9. Электрон почта манзили (e-mail) – (мавжуд бўлса)	

Ёнгин аудиторлик ташкилотининг  
мутахассисларини сертификатлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова



Ўзбекистон Республикаси Фавқулода вазиятлар вазирлиги

**МУТАХАССИС СЕРТИФИКАТИ 00000-сон**

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг  
ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолашни  
(ёнгин аудити) ўтказиш ҳуқуқи

\_\_\_\_\_ га берилди

(сертификат олган шахснинг Ф.И.О.)

Ҳужжатни имзолаган шахс \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Сертификат 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ берилди

Амал қилиш муддати 3 йил.

Ҳужжатнинг  
ҳақиқийлигини  
тасдиқловчи  
QR-код

